

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№23 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазасва Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Хайдаров И.М.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРИХИДАН
(XX асрнинг 60-80 йиллари).....4

2.Азаматова Г.Б.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИДА ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....14

3.Бутаев У.

МУРАККАБ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.....24

4.Ёдгоров З.Ш.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.....31

5.Мажидов А.Ф., Абдурасулова Д.Т.

ТАРИХИМИЗНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ ХУСУСИДА БАЎЗИ
МУЛОҲАЗАЛАР.....40

6.Пардаев Т.Р., Турсунов Ж.Н.

МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА
МУНОСАБАТИ.....44

7.Охунжонова Ш.Ю.

ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАНБАЛАРДА
АКС ЭТИШИ.....50

8.Тухтаева М.С.

XX АСР ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТШУНОСЛАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА
ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....59

9.Шукуров Р.

БУХОРО БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАҲЛИЛИ.....68

10.Тўпчиев У.С.

ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШЛАРИДАТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА
ВИНОЧИЛИК САНОАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.....75

11.Мадаминаова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С.

ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....89

12.Нарзуллаева Н.А.

ХИВА ХОНЛИГИ МЕТРОЛОГИК ТИЗИМИ.....96

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шукуров Рустам

Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети ўқитувчиси

БУХОРО БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАҲЛИЛИ

***For citation:** Rustam Shukurov. Analysis of research of political processes on the eve of the conquest of Bukhara in modern histories. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 68-74*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-09>

АННОТАЦИЯ

XX асрнинг 20-йиллари бошларида Бухоро амирлиги учун ички ва ташқи сиёсий зиддиятлар бошланди. Бир томондан ёш бухороликларнинг демократик ҳаракати сиёсий ва ижтимоий ислохотларни талаб қилган бўлса, иккинчи томондан болшевиклар ҳукумати Бухоро амирлигини ҳарбий жиҳатдан егаллаш ва тугатишга тайёргарлик кўрди. Ушбу мақолада XX асрнинг 20-йиллари бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеа таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, сиёсий ва иқтисодий тарих, рус тарихшунослиги, тарихшунослик, ҳужжатлар, фатҳ, тугатиш, Bolshevik, Ўрта Осиё, илмий-назарий ёндашувлар, илмий тадқиқотлар.

Шукуров Рустам

Преподаватель Ташкентского Государственного
педагогического университета им. Низами

АНАЛИЗ ИССЛЕДОВАНИЯ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ НАКАНУНЕ ЗАВОЕВАНИЕ БУХАРЫ В СОВРЕМЕННЫХ ИСТОРИЯХ

АННОТАЦИЯ

В начале 20-ых годов XX века для Бухарского эмирата начался внутренними и внешними политическими напряжениями. Если с одной стороны

демократическая движения младобухарцев требовало проведения политических и социальных реформы, с другой стороны большевистская правительство готовилась на военный захват и ликвидацию Бухарского эмирата. В данной статье анализируется политическое событие в Бухарском эмирате в начале 20-ых годов XX века.

Ключевые слова: Бухарский эмират, политическая и экономическая история, Российская историография, историография, документы, завоевания, ликвидация, большевик, Центральная Азия, научно-теоретические подходы, научные исследования.

Rustam Shukurov,
Teacher Tashkent State Pedagogical
University named after Nizami

ANALYSIS OF RESEARCH OF POLITICAL PROCESSES ON THE EVE OF THE CONQUEST OF BUKHARA IN MODERN HISTORIES

ANNOTATION

At the beginning initially 20-yh years XX age for Bukhara emirates began internal and external political tension. If on the one hand democratic motion in emirate required undertaking political and social reforms, on the other hand bolshevik government prepared on military seizure and liquidation Bukhara emirate. In given article is analysed political event in Bukhara emirate at the beginning initially 20-yh years XX age.

Key words: Bukhara emirate, political and economic history, Russian historiography, historiography, the documents, conquests, liquidation, bolshevik, Central Asia, scientifically-theoretical approaches, scientific studies.

1920 йилнинг 13 июнь куни РСФСР ХКС раиси В.И.Ленин ХКС ҳамда ВЦИК[13] Комиссиясининг Ташқи муносабатлар бўлими бошлиғи Г.И.Бройдонинг Туркистон хусусидаги, 23 июлда эса РСФСРнинг Бухородаги собиқ ваколатли вакили А.Е.Аксельроднинг Бухоро амирлиги ҳақидаги маълумотномаси билан танишиб чиқди. Ўзларининг маълумотлари орқали Москвага қилган мурожаатларида бу амалдорлар Бухоронинг сиёсий тақдирига нисбатан қуйидаги фикрларини билдирган эдилар. Хусусан, Бойдо ўша вақтда Ўрта Осиёда бўлиб турган рус ҳарбий-сиёсатчиларининг Бухоро амирлиги ҳақида тез-тез такрорлаб турган фикрларини мисол тариқасида келтириб, "бизга 2-3 тагина полк зарур-ки, улар ёрдамида Бухоронинг хаттоки биронта тоши ҳам бутун қолмайди" деган сўзларини келтириб ўтиб, аслида Бухородаги вазият бундай эмаслигини кўрсатиб ўтади [1,С.39]. Г.И.Бройдо[14] мавжуд ҳолатни ўрганиб туриб шундай ёзган эди: -"Ҳарбий нуқтаи-назардан Бухоро армиясини мағлубиятга учратиш унчалик мураккаблик туғдирмайди, бироқ бундай йўл тутиш Қизил Армиянинг босқинчи сифатида бир давлатнинг мустақиллигига дахл қилиши ва айни вақтда Бухорода давлат мустақиллигини тиклаш учун партизанлик курашларининг юзага келиш эҳтимоли урушнинг чўзилиб кетиши ва вазиятнинг чигаллашишига сабаб бўлиши мумкин"[2,С.39-40].

Бу маълумотлар большевиклар ҳукумати раҳбарларига бориб етишидан аввалроқ,

Туркистондаги большевиклар етакчилари томонидан Бухоро амирлигига қарши босқинчилик юришларини амалга ошириш ва у ерда амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш масаласи илгари сурила бошланган эди.

Тадқиқотчи И.Д.Борисовнинг тадқиқотларида таъкидланишича, Совет Россияси ўзининг давлат сифатида шаклланган дастлабки йилларидаёқ ўзбек хонликлари билан муносабатларини ўз манфаатлари ва қизиқишлари асосида йўлга қўйишган ҳаракат қилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига нисбатан юритилган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда ҳарбий-стратегик мақсадлар устувор аҳамиятга эга бўлиб, бунда асосий хавф сифатида юзага келган миллий истиқлолчилик ҳаракатлари (диссертацияда "босмачилик" ҳаракати сифатида кўрсатилган) назарда тутилган эди [3,С.11-12]. Бунда албатта бу вақтгача қарор топган ўзаро муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этарди, яъни, Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари Россия империяси саноати учун хом ашё етказиб бериш билан бир вақтда империянинг тайёр саноат маҳсулотлари бозори ҳам саналарди.

XX асрнинг йигирманчи йилларига келиб Россия империясининг икки собиқ мустамлакаси - Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият мураккаб ҳолатга келиб қолди. Гарчи 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистон ХКС томонидан Бухоро амирлигининг мустақиллиги тан олинган бўлсада, амирлик ҳудудларидаги европалик миллатларига мансуб аҳолининг большевикларга ҳайрихоҳлиги ва айни вақтда Ёш бухороликларнинг инқилобий кайфиятлари ва кескин ҳаракатларга мойиллиги амирни ташвишга солмай қўймасди. Бухоро амирлиги тарихидаги бу қисқа давр амирлик бошқаруви ва айни вақтда ҳар қандай янгиликларга ва кескин ўзгаришларга қарши бўлган диний уламолар ва айни вақтда жамиятда демократик ислохотлар янгилианишларни амалга ошириш тарафдорлари бўлган ёш бухороликлар ва жадиждарнинг ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг кучайганлиги билан ҳам хусусиятланади [4,С.153-156].

XX асрнинг 20-йиллари арафасида Ёш бухороликларнинг етакчиси бўлган Ф.Хўжаевнинг[15] таъбири билан айтганда - "Қўқондаги ғалабадан[16] маст бўлган Колесов[17] худди шундай осонлик билан амир Бухоросини ҳам тугатишни ўйламоқда эди" [5,С.139]. Худди шундай қарашларга бошқа инқилобчилар ҳам ишонч билан қарамоқда эдилар. Тарихчи Қ.Ражабов ўз тадқиқотларида 1918 йилнинг 1 мартада Туркистон ХКС раиси Ф.И.Колесов қўмондонлигидаги қизил гвардиячиларнинг Бухорога нисбатан амалга оширган дастлабки ҳарбий юришидаги эришган вақтинчалик муваффақияти ва иккинчи тўқнашувлардаги мағлубияти ва Бухородан Самарқанд томонга чекиниши, Тошкентдаги большевиклар ҳукумати томонидан юборилган қўшимча кучлар ёрдамида 1918 йил 11 мартда вақтинчалик Карманани эгаллаши ва у ердан ҳам ҳайдаб чиқарилиши тафсилотларини ёритиб беради [6,Б.9]. Тадқиқотчи Д.Мўминовнинг кўрсатишича, "қизил гвардиячилар Карманада спиртли ичимликларни роса ичиб, маст бўлганлар ва маҳаллий аҳолини талаганлар. Шундан сўнг босқинчиларни бухороликлар Карманадан қувиб чиқаришган" [7,Б.27].

Бухоро амирлигининг Қизил армия томонидан босиб олиниши тарихига оид тадқиқотларни амалга оширган Д.Мўминов совет ҳукумати раҳбарларининг бу борадаги айрим хатти-ҳаракатлари ва фикрларини кўрсатиб ўтади, Унинг ёзишича, Бухоро босқини арафасидаги Бухорога нисбатан Туркистон большевиклари ва Турккомиссиянинг режалаштираётган ҳарбий сиёсатидан хабардор бўлган РСФСР

Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичерин совет ҳукуматининг раҳбари - РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И. Ленинга махсус хат билан мурожаат қилиб, шундай таъкидлаган эди: "Бундай тадбир ниҳоятда жиддий бўлиб, бизнинг Шарқдаги бутун сиёсатимизга катта зиён келтиради... Бухоронинг мусулмон оламидаги мавқеи жуда катта. Бундай қўпол усулдаги мустамлакачилик сиёсати бизнинг Шарқдаги мавқеимизга жиддий путур етказди". Бироқ Бухорога қилинадиган ҳужумнинг оқибатлари ҳақидаги огоҳлантиришларга ҳеч ким қулоқ солмади [8,Б.32-33].

Тарихчи Қ.Ражабовнинг кўрсатишича, Амир Олимхон вазиятни юмшатиш, интервенциянинг олдини олиш мақсадида 1920 йил 8 июнда Мирзо Маъди Хўжабой бошчилигидаги Бухоро элчиларини Москвага жўнатди. Улар Г.В.Чичерин билан музокаралар ўтказиб, ҳар икки давлат ўртасида тинч-тотув яшаш, ички ишларга аралашмаслик, савдони ривожлантириш масалаларига тааллуқли шартномалар имзолаб қайтдилар [9,Б.29].

Аксельрод[18] ҳам Турккомиссиянинг[19] "ҳарбий ташкилотлар томонидан қўллаб қувватланган ҳолда қурол билан пўписа қилиш" анъанаси асосида Бухоро амирлигига нисбатан агрессив муносабат сиёсатини олиб бораётганлигини кескин танқид қилган эди [10,С.39-40].

"Биз худди отилиб кетиши муқаррар бўлиб турган вулқон каби ҳолатдаги Ўрта Осиёда ўзимизга яна бир қўшимча фронт кўринишидаги "ҳашам"ни раво кўрмаслигимиз лозим. Биз томондан амалга оширилиши мумкин бўлган агрессив хатти-ҳаракатлар ҳох уруш кўринишида бўлсин, ҳох бизнинг қўшинларииз томонидан мажбурий ҳолда амалга ошириладиган давлат тўнтариши бўлсин, нафақат Бухоро мусулмонларини, балки бутун Туркистон, Хива ва Туркманларни Бухоро уламолари атрофида бирлашишига сабаб бўлади, айтилиши вақтда Фарғонадаги фронтнинг ўзи ҳам етарлидир[20]. Бухоро амирлиги қўшинларини мағлубиятга учратиш мураккаб эмас, бироқ икки ярим миллион кишилик Бухоро аҳолисига бас келиш имконсиздир, бу эса Бухорода доимий равишда оккупацион қўшинларни ушлаб туришга мажбур қилиши мумкин [11.С.39-40].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, мақоланинг бошланишида номи тилга олинган бу ҳар икки амалдор большевиклар ҳукуматининг Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлари унинг оқибатини чуқур ўйламасдан амалга оширилаётган сиёсат эканлигини кўрсатиш билан Бухоро амирлигининг сиёсий тақдирини ҳарбий йўл билан ҳал этмасликка ундаётгандек таассурот қолдирсада, аслида бунда бир нечта сиёсий ва ҳарбий ҳолатларни ҳисобга олганликларини кўриш мумкин:

Биринчидан, большевиклар ҳукумати ва Қизил Армиянинг Бухорога нисбатан жаҳон оммаси олдида агрессор ҳукуматга ва агрессор армияга айланиб қолишидан сақланиш;

Иккинчидан, агар Бухоро амирлигига ҳужум уюштириб, уни ҳарбий йўл билан босиб олиннадиган тақдирда фуқаролар урушга тортилган большевиклар ҳукумати ва Россия давлати учун Ўрта Осиёда яна бир фронтнинг юзага келиши ва миллий мустақиллик учун курашиши мумкин бўлган Бухоро халқини бўйсундириш имконсиз эканлигидан хавфсираган эдилар.

Учинчидан, большевиклар ва Қизил Армиянинг Бухорога ҳарбий тажовузи Бухоро аҳолиси, Туркистон халқлари ва туркманларнинг ягона ҳокимият остида бирлашишига туртки беришидан хавотирда эдилар.

Бухоро шахрининг большевиклар томонидан эгаллаб олинган дастлабки дақиқалариданоқ бошланиб кетган талон-тарож ва зўравонлик ҳақида В.Генис ўз тадқиқотида манбаларга асосланган ҳолда, хусусан РКП (б)нинг Туркбюроси аъзоси Г.И.Сафаров фикрларидан қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: "Бухорога кириб келган рус аскарлари ва қизил гвардиячилар энг аввало одамларни газаблантирган ва нафратини қўзгаган ҳолда зўравонлик ва талон-тарожга машғул бўлдилар. Ҳеч қандай суриштирувларсиз ҳамма нарсани талаб, ичкиликбозлик ва тартибсизликларни келтириб чиқариб, халққа нисбатан зулмни ҳаддан ошириб юбордилар. Айнан шу ҳолат большевикларнинг босқинчилигига қарши кучли норозиликларга сабаб бўлди. "Инқилобий" гоёлар мустамлакачиликка бўлган кучли иштиёқнинг панасида қолиб кетди" [12,С.80].

Манбада ёзилишича, "То Фрунзе мародерларни отиб ташлаш ҳақида буйруқ чиқармагунга қадар, қизил армиячилар шаҳарни тўрт кун таладилар, шундан кейин ҳам талончилик тезда тўхтагани йўқ. Москва вакили Машицкийнинг ёзишича, аскарлар ва командирлар Регистондаги ҳамма биноларни таладилар, яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолисига нисбатан оммавий зўравонлик амалга оширдилар. Куйбишевнинг шахсий кундалигида қайд этилишича: "15 сентябрь - аскарлар талончилик қилмоқда, 16 сентябрь - аскарлар талончилик қилмоқда, 24 кути қимматбаҳо зийнат буюмлари, 17 сентябрь - Махсус бўлимга мародерликка қарши курашни кучайтиришни таклиф қилиш" [21].

Юқоридагиларга умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, XX асрнинг 20-йиллари бошларида Ўрта Осиёда сиёсий ҳокимиятни қўлга олган большевиклар ҳукумати Бухоро амирлигига нисбатан ҳам ўзининг босқинчилик сиёсатини амалга оширишга уринди ва бунда ҳар қандай вазиятни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Гарчи бу борада турли турли сиёсатчилар томонидан кўплаб хавотирли фикрлар билдирилган бўлсада, Совет ҳокимиятининг марказдаги раҳбарлари амирлик тақдирига нисбатан ўз ҳукмларини қатъий белгилаб қўйган эдилар ва 1920 йилнинг 28 августидан бошлаб 2 сентябрь кунигача давом этган узоқ ва қонли курашлар натижасида Бухоро амирлиги Қизил армия томонидан босиб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39.)

2. Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39-40. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40.)

3. Борисова И.Д. Правовое обеспечение национальных государственных интересов Советской России и СССР в Центрально-Азиатском и Кавказском регионах в 1917-1929 гг.: историко-правовое исследование. Автореферат дисс... докт.юрид.наук. -Владимир, 2006. -С.11-12. (Borisova I.D. Legal support of national state interests of Soviet Russia and the USSR in the Central Asian and Caucasian regions in 1917-1929: historical and legal research. Abstract of diss ... Doctor of Law. -Vladimir, 2006. -P.11-12.)

4. Илхамов З.А. Реформаторское движение младобухарцев в начале XX века. /

"Азиатская часть Российской империи в революционных событиях 1917 г". Международная научная конференция. -Оренбург, 2017 г. -С.153-156 (Ilhamov Z.A. Reform movement of the Young Bukharaites at the beginning of the 20th century. / "The Asian part of the Russian Empire in the revolutionary events of 1917." International scientific conference. -Orenburg, 2017. - P. 153-156).

5. Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 46. Қаранг: Ходжаев Ф. Избранные труды. В 3-х тт. Т. 1. -Ташкент, 1970. -С. 139. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P.46; See: Khodjaev F. Selected Works. In 3 vols. T. 1. - Tashkent, 1970. -P.139).

6. Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). - Тошкент: Маънавият, 2002. -Б.9. (Rajabov Q. The invasion of the Red Army in Bukhara and its fight against it: The truth of history (1920-1924). - Tashkent: Spirituality, 2002. -P.9.)

7. Мўминов Д. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода Қизил Армияга қарши қуроли ҳаракат (1920-1926 йиллар). Тарих фан номзоди...диссертация. -Тошкент, 2010. - Б.27. (Muminov D. Armed forces against the Red Army in Middle Bukhara and Eastern Bukhara (1920-1926). PhD in History ... dissertation. - Tashkent, 2010. - P.27.)

8. Мўминов Д. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода Қизил Армияга қарши қуроли ҳаракат (1920-1926 йиллар). Тарих фан номзоди...диссертация. -Тошкент, 2010. - Б.32-33. (Muminov D. Armed forces against the Red Army in Middle Bukhara and Eastern Bukhara (1920-1926). PhD in History ... dissertation. - Tashkent, 2010. - P.32-33.)

9. Ражабов Қ. Қизил армиянинг Бухорога босқини. <http://vatandosh.uz>. Қаранг: Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йиллар). -Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2003. -Б. 29. (Rajabov Q. The Red Army's invasion of Bukhara. <http://vatandosh.uz>. See: Rashidov U. Bukhara People's Republic (1920-1924). - Bukhara: Bukhara Publishing House, 2003. -P. 29.)

10.Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39-40. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40).

11.Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39-40. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40).

12.Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С.46. Қаранг: Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). -М.: 1921. -С.80. 1. Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40).

13. Бутунроссия ижроия марказий комитети - 1917 йилда ташкил қилинган, РСФСРнинг 1917-1937 йилларда қонунчилик, идора этиш ва назорат қилиш давлат ҳокимияти органи.

14.Бройдо Г.И. - (1884-1956) - 1919-1920 йилларда РСФСР ХКС ва ВЦИК Турккомиссия партия бўлими бошлиғи

15. Файзулла Хўжаев (1896-1938) - Ёш бухороликлар етакчиси, 1920 йилда Бухоро инқилобий қўмитаси аъзоси, 1922 йилдан Марказий Қўмитанинг Ўрта Осиё бўлими бюроси аъзоси, 1925 йилдан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлир советининг раиси, СССР МИК раисларидан бири.

16. Қўқон мухториятининг тугатилиши назарда тутилмоқда.

17. Колесов Федор Иванович (1885-1940) -1917-1918 йилларда Халқ Комиссарлари Советининг раиси.

18. Аксельрод Т.Л. - (1888-1938) - большевик, ТАССР инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси, РСФСР ХКС ва ВЦИК Турккомиссия аъзоси.

19. Турккомиссия - Туркистон ишлари бўйича комиссия, 1919 йил 8 октябрда ташкил этилган, РСФСР ХКС ва ВЦИК номидан Туркистонда фаолият юритган.

20. Фарғона водийсидаги 1917 йил охирларидан буён давом этиб келаётган миллий истиқолочилик ҳаракати назарда тутилмоқда.

21. Бухоро амирлигининг йўқ қилиниши. <https://vakillik.uz>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№23 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000